

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ БАХРОМ РУЗИМОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИ
ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on economics sciences**

Бобожонов Бахром Рузимович

Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг
усулларидан фойдаланиш3

Бобожонов Бахром Рузимович

Использование маркетинговых методов при изучении спроса на отечественную
фармацевтическую продукцию.....31

Vobojonov Bakhrom Ruzimovich

The use of marketing methods in the study of demand for domestic pharmaceutical
products.....57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works62

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ БАХРОМ РЎЗИМОВИЧ

МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБНИ
ЎРГАНИШДА МАРКЕТИНГ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва “Ziynet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Набиев Дилмурод Хамидуллаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Эштаев Алишер Абдуғаниевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Акбаров Нодир Гофурович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «1» февраль соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1242 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72); факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2023 йил «16» январь кuni тарқатилди.

(2023 йил «16» январь даги 11 -рақамли реестр баённомаси)



Г.К. Абдурахманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Р.Х. Карлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фармацевтика саноати инсон соғлиғини сақлаш тизимининг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим ижтимоий аҳамиятга эга соҳа ҳисобланиб, уни ривожлантириш айниқса COVID-19 пандемияси шароитида барча мамлакатлар учун энг долзарб йўналишлардан бирига айланди. «Жаҳон фармацевтика бозорининг салмоғи сўнгги 10 йилда йилига ўртача 2,5 фоиздан ўсди»¹. Сўнгги ўн йил ичида фармацевтика маҳсулотлари бозори маркетинг инновациялари асосида шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Натижада фармацевтика бозоридаги рақобат муҳити жиддий мураккабланимоқда. Рақобатли фармацевтика бозорида ишлаётган корхонадан ўз савдо фаолиятини доимий равишда такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, маркетинг тадқиқотларининг самарали усулларида фойдаланишга эътибор қаратиш, замонавий маркетинг усулларида фойдаланиш асосида тўғридан-тўғри маркетинг элементларини қўллаш орқали истеъмолчиларга ёрдам беришнинг технологик, бошқарув ва савдо функцияларини яхшилаш талаб этилмоқда.

Жаҳон амалиётида фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларида фойдаланиш ва истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини таҳлил ва прогноз қилиш, уларнинг бозордаги хулқ-атворини белгиловчи омилларни аниқлаш ва шу асосда маркетинг воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва унинг таркибий қисмларини мослаштириш, рақобат устунликларини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон фармацевтика бозорида маҳаллий корхоналарнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш истеъмолчиларни синчковлик билан сегментациялашни, фармацевтика воситаларини тўғридан-тўғри сотишни самарали ташкил этишни ва ҳар бир истеъмол сегменти учун маркетингнинг таъсирчан инновацион воситаларини яратишни талаб қилади. Фармацевтика маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилишда истеъмолчиларнинг хулқ-атвори омилларини билиш, шунингдек, унинг ўзгаришига мослашиш қобилиятига эга бўлиш катта аҳамиятга эга. «Аҳолини сифатли, самарали ва хавфсиз фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш, фармацевтика тармоғига илғор илмий-техника ютуқлари ва инновацияларни жорий этиш орқали тармоқда ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш»² вазифаси белгилаб берилди. Белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш фармацевтика бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган

¹ Обзор тенденций на глобальном и российском фармацевтическом рынке. - <https://fs.moex.com/files/14283>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон “2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. - www.lex.uz

ҳолда мавжуд ишланмалардан тўлиқ фойдаланиш, динамик ривожланаётган фармацевтика бозорида истеъмолчиларнинг хулқ-атвор омилларини, шу жумладан уларнинг динамикаси ва уларга таъсир этувчи омилларни прогноз қилиб, уларни аниқлаш муаммоларини ҳал қилиш, фармацевтика маҳсулотлари савдосини самарали ташкил этишда истеъмолчилар хулқ-атворини аниқлаш ва баҳолаш учун услубий воситаларни ишлаб чиқиш заруриятини юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида», 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4554-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларида фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот йўналишидир. Бу борада Kotler Ph., Keller K.L., Setiawan I., Kartajaya H., Malhotra N.K., Армстронг Г., Сондерс Д., Вонг В., Смит, Микки С., Moritz Supplet, Natasha Nayak, каби олимларнинг илмий ишлари классик ишларга айланган³. Санаб ўтилган олимларнинг иқтисодиёт фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, улар томонидан фармацевтика корхоналарида маркетинг тадқиқотлари усулларида фойдаланиш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг илмий методологик асослари, шунингдек, корхоналарда сотиш тизими самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада А Балашов, Ю.Н Ковальногова. сингари олимлар⁴ илмий тадқиқот олиб борганлар. Мазкур

³ Kotler Ph. Marketing essentials. –Prentice Hall, United States, 2019; Kotler Ph., Setiawan I., Kartajaya H. Marketing 3.0: From Products to Customers to the Human Spirit. – wiley, 2012.; Malhotra N.K. Marketing research an appled orientation. – Prentice Hall, United States, 2016; Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Д., Вонг В. Основы маркетинга: Пер. с англ.-М, СПб, К: Издательский Дом -Вильямс. 2005. С. 31; Смит, Микки С. Фармацевтический маркетинг. Принципы, среда, практика / Микки С. Смит, Е.М. Коласса, ГрегПеркинс. -М: Литтера, 2005. -383 с.; Gromovuk V.P. Farmaceutychnyj marketyng: teoretychni ta prykladni zasady / V.P. Gromovyk, G.D. Gasjuk, O.R. Levyc'ka. -Vinnycja: Nova knyga, 2004. -464 s.; Moritz Supplet. Umbrella branding in pharmaceutical markets. May 2020Journal of Health Economics 73:102324 Follow journal. DOI: 10.1016/j.jhealeco.2020.102324.; Mondal, S.S. and Viswanath Pingali. Competition Law and the Pharmaceutical Sector in India, Working Paper No. 2015-11-02, ИМ Ahmedabad.; Natasha Nayak. Competition Impediments in the Pharmaceutical Sector in India, https://iica.nic.in/images/sclmr_research/Pharmaceuticals%20Sector.pdf.

⁴ Балашов А.И. Формирование механизма устойчивого развития фармацевтической отрасли. АВТ. Дис. на соис., уч.степени д.э.н. Санкт-Петербург – 2012; Ковальногова Ю.Н. Организация прямых продаж

олимларнинг илмий ишларида фармацевтика маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари ҳамда маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тавсиялар берилган. Қайд этилган ишларда маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари бозорида маркетингнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, ички бозорни ҳимоялашга қаратилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, А.Солиев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Н.Қ.Йўлдошев, Р.С.Муратов, А.А. Фаттаховнинг⁵ тадқиқот ишлари маҳсулотлар бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва унинг илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган бўлиб, муаллифлар маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, маҳаллий ва хорижий маҳсулотлар бозоридаги корхоналар фаолиятининг савдо самарадорлигини ошириш муаммоларини илмий тадқиқ этганлар.

Фармацевтика товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маркетинг фаолиятини ривожлантириш самарадорлигининг назарий ва услубий асослари Ғ.Н.Бобохўжаев ва А.А.Юнусходжаевнинг⁶ илмий ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-161-рақамли «Халқаро стандартларни жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш услубиётини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фармацевтика товарлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва унда маркетинг концепцияларининг шаклланиш назарияларини ўрганиш;

маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар сегментининг хулқ-атвор хусусиятларини аниқлаш;

фармацевтика маҳсулотлари бозорида мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

фармацевтической косметики с учётом факторов потребительского поведения. АВТ. Дис. на соис., уч.степени к.э.н. Ульяновск – 2018;

⁵ Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмоли учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспекти. 08.00.13–«Маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б.

⁶ Юнусходжаев А.А. Маркетинговые исследования функционирования фармацевтических производственных предприятий Республики Узбекистан и эффективность их развития 08.00.13–«Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2010. – 200 б.; Ғ.Н. Бобохўжаев Ўзбекистон фармацевтика товарлари бозорида маркетинг тадқиқотлари 08.00.13–«Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2007. – 200 б;

Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш;

дори-дармон чакана савдоси шаҳобчаларида мижозлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш;

маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабнинг шаклланишини ва таклиф манбаларини аниқлаш;

фармацевтика корхоналарида мижозларга йўналтирилган маркетингни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

фармацевтика корхоналарида мижозлар билан муносабатларни бошқаришда рақамли маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш;

фармацевтика корхоналарида мижозлар билан муносабатлар маркетинги стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистондаги фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва уни савдосини ташкил этувчи маҳаллий фармацевтика корхоналарининг маркетинг фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланишни такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш, кузатув-сўров, эксперт баҳолаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

истеъмолчига йўналтирилганлик маркетинг тамойили асосида маҳаллий дори воситалари нархларини барқарорлигини таъминлашда зарур ишлаб чиқариш амалиёти ($GMP=35\%$), зарур дистрибьюторлик амалиёти ($GDP=40\%$) ва зарур фармацевтика амалиёти ($GPP=25\%$) нисбатларини мувофиқлаштириш таклифи асосланган;

дори-дармонлар ассортименти гуруҳларига мос келувчи истеъмолчиларнинг хусусиятларини ўзаро боғлиқ 5 та сегментга ажратиш ҳамда улар ўртасидаги мақбул нисбатларни таъминлаш орқали фармацевтика маҳсулотлари чакана савдоси самарадорлигини ошириш асосланган;

фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвор ўзгаришларига таъсир этиш даражасини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар тизими таклиф этилиб, улар аҳамиятлилик даражасининг қуйи ($F5=1,804$) ва юқори ($F5=6,602$) чегарасида маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни самарали шакллантириш таклифи асосланган;

аҳоли даромадлари ўзгаришининг фармацевтика маҳсулотлари чакана савдоси ҳажмига таъсирининг 2026 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

истеъмолчилар билан фармацевт-маслаҳатчи ўртасида маркетинг вазифаларини тўғри белгилаш асосида алоқа каналларини куриш имконини

берадиган харид қилиш ва тўғридан-тўғри сотиш жараёни такомиллаштирилган;

маркетинг каналлари асосида истеъмолчиларнинг психологик мезонларига мос келувчи сегмент хусусиятлари аниқланган;

истеъмолчиларнинг фармацевтика маҳсулотлари бозоридаги сотув жараёнидан қониқиш даражасини баҳолаш усули таклиф этилган;

фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвори омилларининг аҳамиятини баҳолаш методологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқотлари натижалари, даврий илмий нашрларнинг материаллари, қонун ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар маркетинг тадқиқотлари натижасида олинган амалдаги маълумотлар билан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўғридан-тўғри сотиш самарадорлигини оширишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш, фармацевтика товарлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвори назариясини ишлаб чиқиш, истеъмолчиларнинг хулқ-атворини баҳолаш ва фармацевтика маҳсулотлари бозорида асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда миқдорлар билан муносабатларини бошқаришга ёрдам бериши, бозор шароитида истеъмолчилар билан шахсий ишлаш самарадорлигини ошириш имкониятини яратиши, тадқиқот натижаларидан “Тармоқлар ва соҳалар маркетинги”, “Рақамли маркетинг” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фармацевтика маҳсулотлари бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

истеъмолчига йўналтирилганлик маркетинг тамойили асосида маҳаллий дори воситалари нархларининг барқарорлигини таъминлашда зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP=35%), зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP=40%) ва зарур фармацевтика амалиёти (GPP=25%) нисбатларини мувофиқлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 18 октябрдаги 25-06/3189-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фармацевтика тармоғи корхоналарида, жумладан “DENTAFILL PLYUS” МЧЖ тизимидаги дорихона фаолиятининг савдо рентабеллигини 12 фоизга ошириш имконияти яратилган;

дори-дармонлар ассортименти гуруҳларига мос келувчи истеъмолчиларнинг хусусиятларини ўзаро боғлиқ 5 та сегментга ажратиш ҳамда улар ўртасидаги мақбул нисбатларни таъминлаш орқали фармацевтика маҳсулотлари чакана савдоси самарадорлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 18 октябрдаги 25-06/3189-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фармацевтика тармоғи корхоналарида, жумладан “DENTAFILL PLYUS” МЧЖда фармацевтика маҳсулотлари сотиш ҳажмини 11 фоизга қадар ошириш имконияти яратилган;

фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвор ўзгаришларига таъсир этиш даражасини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган омиллар тизими асосида улар аҳамиятлилик даражасининг куйи ($F5=1,804$) ва юқори ($F5=6,602$) чегарасида маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни самарали шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 18 октябрдаги 25-06/3189-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фармацевтика тармоғи, жумладан “DENTAFILL PLYUS” МЧЖнинг мижозлар билан ўзаро муносабатлар маркетинг стратегиясини амалга ошириш йўриқномасини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

аҳоли даромадлари ўзгаришининг фармацевтика маҳсулотлари чакана савдоси ҳажмига таъсирининг 2026 йилгача ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тармоқни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 18 октябрдаги 25-06/3189-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фармацевтика тармоғининг асосий фаолият кўрсаткичларини ўзаро мувофиқлаштириш имконияти яратилиб, жумладан, “DENTAFILL PLYUS” МЧЖ томонидан фармацевтика маҳсулотлари сотиш ҳажмининг 13 фоизга ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 2 та

илмий мақола, хорижий журналларда 1 та мақола, 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, 8 та хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 128 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда, фармацевтика товарлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва унда маркетинг концепцияларининг шаклланиши, маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атворини ўрганиш хусусиятлари ҳамда мижозлар билан муносабатларни бошқаришнинг илмий-услубий асослари ёритилган.

Жаҳон амалиётида истеъмолчилар сегментларига самарали таъсир кўрсатиш мақсадида товарлар ва хизматлар бозори субъектларининг хулқ-атворини ўрганиш маркетинг фаолиятининг муҳим элементига айланган. Фармацевтика бозори ҳам бундан мустасно эмас. Фармацевтика товарлари бозори истеъмол товарлари бозорининг ўзига хос бир қисми сифатида қаралсада, ушбу бозор маркетинги юқори фарқланувчи хусусиятлар билан ажралиб туради. Фармацевтика товарлари бозори—бу унинг субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи бўлиб, бу муносабатлар доридармон воситаларини сотиб олиш, сотиш, буюриш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ.

Фармацевтика товарлари бозорининг асл моҳияти шундан иборатки, унда дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ёки воситачи эмас, балки беморнинг ўзи, унинг ўз касаллигини даволаш ёки соғлигини тиклаш эҳтиёжи катта аҳамият касб этади. Фармацевтика маркетинги статик пассив жараён эмас, балки фаол динамик жараёндир. Фармацевтика товарлари бозори маркетинги соғлиқни сақлаш тизими маркетингининг бир қисми бўлиб, умумий истеъмол товарлари маркетингига хос бўлмаган хусусиятларга эгадир. Ушбу ҳолатлар фармацевтика маркетингининг куйидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди:

дори воситасидан фойдаланиш қарорини бемор эмас, балки шифокор қабул қилади, аммо у препаратнинг қўлланилиши ёки харид қилинишини доимий назорат қила олмайди;

бемор дори воситаларининг истеъмомлчиси бўла туриб, кўпинча уларнинг сифати ва қўлланиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди, бундан ташқари ундан фойдаланишни истамайдиган ҳолатлар ҳам учрайди;

дориларни харид қилишда унинг нархи эмас, балки сифат хавфсизлиги ва самарадорлиги асосий кўрсаткичдир;

фармацевтика товарлари бозори маркетингнинг бошқа турларига нисбатан муҳитнинг таъсирига боғлиқ, бунда дори воситалари билан таъминлаш тизимида давлатнинг фаол аралашуви (дори воситаларининг сифатига талаблар, уларнинг белгиланган мақсади, номланиши, номенклатураси, нарх белгиланиши, тарқатиш тартиби) муҳим аҳамиятга эга.


Фармацевтика товарлари бозорининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, у Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли фармацевтика товарлари билан таъминлаш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, маҳаллий истеъмомлчиларнинг даромадларига мос ҳолда фармацевтика товарларини таклиф этиш, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва турли юқумли касалликларга чалинган беморларни даволашда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун фармацевтика бозорининг шаклланиши ва ривожланиши нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, балки соғлом келажакни таъминловчи воситалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон фармацевтика маҳсулотлари бозори жадал ривожланмоқда, бу эса савдонинг ўсиши, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқаришга мўлжалланган тиббий воситаларнинг хилма-хиллиги, шунингдек бозорда ўзаро муносабат иштирокчилари сонининг кўпайиши туфайли рақобат соҳасидаги вазиятнинг жиддий мураккаблашиши натижасида юз бермоқда. Рақобат устунликларини таъминлаш учун корхона истеъмомлчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини, шунингдек замонавий фармацевтика бозорининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини ўрганиши керак.

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида сотувни кўпайтириш истиқболлари кўп жиҳатдан фармацевтлар ва маслаҳатчиларнинг тўғридан-тўғри сотувларни ташкил этиш самарадорлигини оширишга ва истеъмомлчиларнинг хулқ-атворини чуқур ўрганишга боғлиқ. Фармацевтика маҳсулотлари бозорининг тез ривожланаётган сегментлари фармацевтика маҳсулотларини сотишда истеъмомлчилар хулқ-атворидаги муваффақият белгиси сифатида соғлиқни сақлаш, гўзаллик ва соғлиққа ғамхўрлик тенденциясини тарғиб қилишга кўмаклашади. Истеъмомлчилар хулқ-атворининг асосий мотиви – фаровонлик, шунингдек, хулқ-атвор омили ҳисобланади.

Фармацевтика товарлари бозорининг ривожланиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналиши ҳисобланганлиги сабабли, унда замонавий маркетингнинг истеъмомлчиларга йўналтирилган тамойилларини жорий этиш мамлакат учун энг муҳим вазифа саналади. Шунга кўра, диссертацияда фармацевтика маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш бўйича миқозларга йўналтирилган ташкилий тизимни ишлаб чиқиш долзарб вазифадир.

Дорихона тармоқларида фармацевтика маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотишни ташкил этиш анъанавий равишда тўртта асосий элементга: сотув стандартлари, ходимларни ўқитиш (савдо малакасини ошириш машғулотлари, дори воситалари истеъмолчиларининг хулқ-атворини ҳисобга олмаган ҳолда сотиш), савдо ходимлари (фармацевтлар, маслаҳатчилар) ва тижорат хизматларини мотивация қилиш тизими кабиларга асосланиши лозим (1-расм).



1-расм. Фармацевтика маҳсулотларини мижозларга йўналтирилган тўғридан-тўғри сотиш тизимининг ташкилий элементлари⁷

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида маркетинг ривожланишининг ҳозирги тенденцияларидан бири– бу фармацевтика ташкилотлари хизматларига талабнинг юқори даражада ошиши ҳисобланади. Ушбу ҳолат истеъмолчиларга фармацевтика маҳсулотларини сотишда хизмат кўрсатиш сифатига бўлган талабнинг ошишини ва дорихоналарда тақдим этилган турли хил маҳсулотларнинг эркин танловини тақозо этади. Истеъмолчилар хулқ-атворини бошқариш соҳасидаги маркетинг концепциясининг мақсади нафақат янги истеъмолчиларни жалб қилишдан, балки мавжуд истеъмолчиларни сақлаб қолишдан ҳам иборат. Бундай самарадорликни таъминлашга фармацевтика товарлари бозорини истеъмолчига йўналтирилган концепциялар ва тўғридан-тўғри сотувларни самарали ташкил этиш асосида эришилади.

Анъанавий бозорда фармацевтлар аниқ белгиланган вазифаларни бажарган ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган монополиялар ҳукмронлик қилган бўлса, ҳозирда Интернет ушбу ролларнинг динамик ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, истеъмолчиларни шахсийлаштириш йўналишлари соғлиқни сақлаш порталларини ва мобил алоқани ривожлантираётган пайтда уяли алоқа, Интернет ва бошқа барча алоқа воситаларида шунга монанд турли дастурий иловалар ривожланмоқда. Бундай воситалар натижасида истеъмолчилар билан самарали коммуникациялар ўрнатиш, уларни шахсийлаштириш, турли интернет платформаси орқали ўзаро ахборот алмашинувини соддалаштириш имконияти яратилмоқда. Ушбу ҳолатлар

⁷ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоблардан олинган натижалар асосида тузилган

анъанавий билвосита маркетинг коммуникация каналларини кўп каналли бевосита каналларга алмашувини юзага чиқарди.

Рақамли технологиялар фармацевтика корхоналарига нафақат В2В соҳасида, балки уларнинг маълум порталлар орқали бирлашуви асосида ҳам улкан қўшимча қиймат яратиш имкониятини беради, бунда В2С фармацевтика порталлари орқали маълум бир мижозлар билан муносабатларни бошқаришда ҳам кенг имкониятлар яратилади.


Фармацевтика маҳсулотлари бозорида маркетингни жорий қилиш нафақат анаънавий маркетинг каналларида, балки истеъмолчиларга мослашиш жараёнларида ҳам рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланиш заруриятини юзага чиқаради. Шунга кўра, диссертацияда таъкидлангандек, мижозлар билан муносабатларни бошқаришда CRM (Customer relationship management) тизимидан фойдаланиш лозим. Фармацевтика компанияси ўз маҳсулотларининг истеъмолчилари (беморлар) билан ўзаро алоқада бўла олмайди, бу эса мижозлар билан ўзаро муносабатларни оптималлаштириш учун ноқулайлик туғдиради. Дорихоналарнинг мижозлар билан алоқа қилиш жараёнлари маркетинг, сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини самарали бошқаришга имкон беради. Ушбу мувофиқлаштиришнинг зарурий шарти – мижозлардан уларнинг розилиги билан шахсий алоқа воситалари орқали маълумот тўплаш бўлиб, бу барча керакли маълумотларни умумлаштириш ва уларни мижозлар билан алоқа қилувчи барча ходимларга тақдим этиш имконини беради. Шунинг учун самарали CRM-стратегиясининг муҳим муваффақият омили ахборот тизимлари архитектурасини яхлит ва бир хил шаклга келтиришдан иборат. Диссертацияда таклиф этилган бозор жараёнларини CRM тизими орқали бошқариш моделидан фойдаланиш фармацевтика корхоналари учун мижозларга шахсийлаштирилган ёндашув режимида ишлаш имконини беради, бу эса фармацевтика бозорида истеъмолчиларга йўналтирилган маркетингни шакллантиришнинг асосий механизми ҳисобланади (2-расм).

Ўзбекистон Республикасида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи жами 92 та фармацевтика корхоналарининг 26 тасида “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти - GMP” Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти талаблари жорий қилинган. Мазкур талабларнинг барча фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар амалиётига жорий этилиши ва CRM орқали амалга оширилиши дори воситаларининг нархларини барқарор сақлашдаги устувор йўналиш ҳисобланади.

Зарур дистрибьюторлик амалиёти (GDP) – фармацевтика маҳсулотларини улгуржи фаолияти билан шуғулланадиган мутахассислар учун талабларни белгилаб беради ва мазкур стандарт талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган маҳаллий корхоналар сони 21 тани ташкил этади.

2022 йил 21 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда Республиканинг Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги фармонида дорихоналарни тартибга солиш меъёрлари белгиланган. Унга кўра, 2022 йил 1 апрелдан «Зарур фармацевтика (дорихона)

амалиёти (GPP)» талабларига мувофиқ равишда фаолият ташкил этилиши белгиланган. Замонавий дори воситалари муомаласи тизимида амал қиладиган ягона сифатни таъминлаш тизимидан фойдаланиш, нафақат дори воситаларини ишлаб чиқариш фаолиятидаги, балки улгуржи ва чакана савдо фаолиятидаги шаффофликни ва дори воситалари нархларининг маълум чегаралардан ошиб кетмаслигини назорат қилишни ҳам таъминлайди.



2-расм. Истеъмолчига йўналтирилганлик тамойили асосида миждозлар билан ўзаро муносабатларни бошқаришнинг CRM тизими⁸

⁸ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоблардан олинган натижалар асосида тузилган

CRM тизими орқали бозор жараёнларини бошқариш моделидан фойдаланиш учта асосий компонентларнинг мижозга йўналтирилган интеграциясини таъминлашга асосланади. Тўлов, логистика ёки интеграциялашган хизматлар юқори ихтисослашган электрон хизматлар етказиб берувчиларини ягона нуқтага бирлаштиради ва бозорни рақамли маркетинг асосида бошқариш имконини беради. Мижозларнинг яхлит маълумот базаси, пировардида, мижозларга йўналтирилган маълумотларга эга барча иловалар учун асос яратади, унга барча дори воситаларининг нархи ва нарх ўзгаришлари ҳақидаги маълумотлар киритилади. CRM тизими фармацевтика компаниялари учун охириги истеъмолчилар ва беморлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятидан келиб чиқади, бу эса мижозлар эҳтиёжларини самарали таҳлил қилишга ва улар билан билвосита ишлаш шаклида бевосита (тўғридан-тўғри) ишлашга имкон беради.

Диссертациянинг «**Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларида фойдаланиш ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган, дори воситалари чакана савдоси шаҳобчаларида мижозлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш омиллари аниқланган. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ва дорихоналарнинг тўғридан-тўғри сотиш тизими самарадорлиги таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида»⁹ги, 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁹ги Фармонларида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳал этишда долзарб вазифалар жумласига фармацевтика товарлари бозорини янада такомиллаштириш, дори воситалари билан савдо қилувчи корхоналарда маркетинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда маркетинг тадқиқотлари ва унинг концепциясидан амалий фаолиятда кенг кўламда фойдаланиш ҳам киритилган. Ўзбекистонда миллий фармацевтика бозорини ривожлантиришда маркетинг фаолияти ва маркетинг тадқиқотлари тизимини шакллантиришнинг аҳамияти сотиш жараёнларини ўрганиш ва амалиётга янгича жорий этиш заруратини юзага чиқармоқда.

Ўзбекистоннинг фармацевтика бозори Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида Россия ва Украинадан кейинги учинчи йирик бозор ҳисобланиб, минтақада энг тез ривожланаётган бозорлар қаторига киради. Масалан, 2010 йилда 370 миллион доллардан ортиқ миқдорда дори-дармон импорт қилинган бўлса, 2021 йилда бу рақам 800 миллион доллардан ошди. Ўзбекистон фармацевтика бозорида бугунги кунда 9000 турдаги дори воситалари, 1684 турдаги тиббий буюмлар ва 1529 турдаги тиббий техника маҳсулотлари истеъмол қилинмоқда¹⁰.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг <https://lex.uz>

¹⁰ <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-eoiiga-azo-bolishining-farmacevтика-tarmogiga-tasir>

Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 2019 йилда 0,8 фоизни ташкил этган (3-расм). Умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқаришнинг улуши 2016 йилда энг юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, 2016-2019 йилларда фармацевтиканинг жами саноатдаги ҳиссаси камайиш тенденциясига эга бўлган. Республикада фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2010-2021 йилларда ўртача 25 фоиз ўсиш тенденцияси кузатилсада, бошқа саноат тармоқларига нисбатан камлиги улушнинг пасайишига сабаб бўлган. Шунингдек, 2021 йил яқунларига кўра, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг бозордаги умумий улуши 50 фоизни ташкил этган.



3-расм. Ўзбекистонда фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқаришнинг умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши¹¹

Ўзбекистонда маҳаллий дори-дармон ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича узок муддатли стратегия мавжуд бўлиб, давлат энг зарур дори воситалари, инфузион эритмалар, вакциналар, қон препаратлари, бир марта ишлатиладиган қон қуйиш тизимлари ва қон ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ички эҳтиёжни таъминлаш сиёсатини амалга ошириб келмоқда¹². Шунингдек, дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартлари татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдосининг жами чакана савдодаги улуши 2010 йилда 3,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4,4 фоизгача ошган. Мамлакатда аҳоли жон бошига 2021 йилда 185 минг сўмлик дори воситалари истеъмол қилнган (1-жадвал).

¹¹ Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланган. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6570-523523>

¹² Ўзбекистон ЕОИИга аъзо бўлишининг фармацевтика тармоғига таъсири- <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-eoiiga-azo-bolishining-farmaceutika-tarmogiga-tasiri>

1-жадвал

Ўзбекистонда дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдоси динамикаси¹³

Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари, млрд.сўм	822,50	2550,70	3819,70	3753,20	5094,90	5807,20	5856,9	6414,7
Жами чакана савдодаги улуши, %	3,80	3,60	4,50	3,70	3,90	3,80	4,2	4,40

Республикада дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдо айланмаси ҳажмининг жами чакана савдодаги улушининг ўсиб бориши аҳолининг тиббий воситаларга бўлган талабининг ошиб бораётганлигини билдиради ва бу мамлакат учун салбий натижа сифатида қаралади. Жумладан, дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарларининг жами чакана савдо айланмасидаги улуши 2010-2014 йилларда 3,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 4,5 фоизгача ошган, 2017-2019 йилларда эса 3,8 фоизлик тенденция сақланган бўлсада, 2021-2022 йилларда яна ўсиш кузатилган.



4-расм. Ўзбекистонда 2023-2026 йилларда дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдоси ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар прогнозлари¹⁴

Ўзбекистонда дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдоси ҳамда аҳоли жон бошига реал умумий даромадларни прогнозлаш учун танлаб олинган кўрсаткичларни тренд тенгламалар асосида прогноз қийматларини аниқлаш натижалари эса ушбу тармоқни ривожланиш хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

¹³ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланган. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistika-uz/6570-523523>

¹⁴ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоблардан олинган натижалар асосида тузилган

Шунингдек, таҳлиллар мамлакатда дори воситаларига бўлган талабнинг юқори ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатмоқда ва бу талабнинг деярли 50 фоизини маҳаллий ишлаб чиқариш таъминламоқда. Шунини инобатга олиб, аҳоли даромадларининг ортиши дори дармонлар чакана савдосини ўсишига асосий омил сифатида қаралди. Шу асосда 2026 йилгача бўлган прогноз моделлари ишлаб чиқилди. Прогнозлашда ҳукумат томонидан қўлланилаётган механизмларнинг даврийлик хусусиятлари ўзгармас деб олинди. Прогноз натижаларига кўра, истиқболда аҳоли даромадларига нисбатан дори-дармонлар чакана савдосининг ўсиш даражаси кам бўлиб, ушбу ҳолатлар аҳолининг соғлом турмуш тарзи шаклланаётганлигини кўрсатади (4-расм).

Прогноз натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистонда дори истеъмоли аҳоли даромадларини ошиши билан тўғридан-тўғри пропорционал тарзда ўсади. Шунингдек, 2026 йилда саноат ишлаб чиқариши ортиб бораётган талабнинг атиги 35 фоизини таъминлай олади. Шуларни инобатга олган ҳолда, аҳоли орасида дори истеъмолини қисқартириш бўйича кўплаб чоратадбирларни амалга ошириш, бу борада аҳолини соғлом турмуш тарзига аста-секин ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Республикада аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар дори-дармон ва бошқа тиббиёт товарлари чакана савдоси, яъни аҳолининг дори дармон сотиб олиш ҳажми (реал талаб)га ижобий таъсир этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли витамин ва фойдали минералларга бой озуқавий маҳсулотлар сотиб олиш ўрнига кўпроқ дори воситалари сотиб олмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига табиий маҳсулотларни кўпроқ истеъмоли қилиш инсон саломатлигига фойдали эканлигини тушунтириш ишларининг кўпроқ олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлишича, фармацевтика товарларини тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилишда истеъмолчиларнинг хулқ-атвор омилларини аниқлаш, шунингдек унинг ўзгаришига мослашишга қаратилган илмий тадқиқотлар, жумладан, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини таҳлил ва прогноз қилиш, уларнинг бозордаги хулқ-атворини белгиловчи омилларни аниқлаш ва шу асосда маркетинг воситалари комплексини ишлаб чиқиш ва унинг таркибий қисмларини ўз вақтида мослаштириш, рақобат устунликларини таъминлашнинг илмий-услугий асосларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда “Dori-Darmon” акциядорлик компанияси фармацевтика бозоридаги етакчи улгуржи-чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ҳисобланади. Мамлакатнинг барча вилоятларида компаниянинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган. Компания таркибида 8 та акциядорлик жамиятлари ва 10 та масъулияти чекланган жамиятлар, шу жумладан 17 та ошмаклар, 233 та дорихона ва 1994 та дорихона филиаллари, 15 та таҳлилий лабораториялар мавжуд. 2019 йил маълумотларига кўра, “Dori-Darmon” АК ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 2222 та ижтимоий дорихона ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти чекка ҳудудлардаги қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ шифокорлик пунктларида жойлашган. “Dori-Darmon” АКнинг маркетинг фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик

йўналишлари сифатида чакана савдо тармоғида маҳсулотнинг тизимли мерчендайзинги, бренд-маркетингни ривожлантириш, мижозларга хизматлар кўрсатиш сифат стандартларини ошириш, чакана савдо ассортиментини импорт маҳсулот ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ҳисобига кенгайтириш кабилар белгилаб олинган.

Дори-дармонлар бозорида пандемия шароитида юзага келган вазият ва талабни кескин ошиши билан боғлиқ ҳолатлар фармацевтика маҳсулотлари бозорида фаолият юритаётган корхоналарнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда ҳам асосий эътиборни истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини самарали қондириш, фармацевтика маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотишни самарали ташкил этишга қаратиш ва ҳар бир истеъмолчилар сегменти учун ўзига хос бўлган маркетинг технологияларидан фойдаланиш бўйича маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишни долзарб вазифага айлантирди.

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг аксарияти истеъмолчилар билан сўровнома ўтказиш, анкеталаштириш, фокус гуруҳ ва бошқа бир қатор маркетинг тадқиқотлари усуллари асосида амалга оширилган. Муаллифнинг фикрича, фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчиларнинг хулқ-атворига таъсир этувчи омилларни муҳимлилиги бўйича ўрганишда эксперт баҳолаш усуллари кенг қўлланилади ва бу энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

2-жадвал

Фармацевтика товарлари бозорида истеъмолчиларнинг хулқ-атворига таъсир кўрсатадиган омиллар тизими ¹⁵

№	Омиллар тизими	Белгилаш	Хусусиятлари
1	Ташқи муҳит омиллари	F1	Оилавий ҳолат, маданий муҳит, ижтимоий мавқеи, референт гуруҳларга мувофиқлик
2	Фармацевтнинг маслаҳат бериш сифати	F2	Маълумоти, компитентлиги, муомала маданияти, шахсий тайёргарлик ҳолати, профессионаллик даражаси, шахсий хулқи
3	Шахсий алоқа омиллари	F3	Мослашувчанлик, коммуникативлик, ишонч билан ҳаракат қилиш қобилияти, зиддиятсизлик, тасаввурни уйғота олишлик, таклиф қила олишлик
4	Харидорларнинг шахсий фазилатлари	F4	Тиббий тавсиялар, ёши, жинси, касби, ўқимишлилиги, шахсий хусусиятлари, яшаш тарзи, маданий савияси, миллати ва бошқалар
5	Фармацевтика маҳсулотларининг сифати	F5	Стандартга, сифат тавсифномаларга, хавфсизлик даражасига, таркибига, нархига, брендига, қадоқланишига ва ҳ.к. мувофиқлиги.
6	Маркетинг	F6	Товарнинг сифати, ассортимент сиёсати, нарх даражаси, реклама, мерчендайзинг, бренд, бозордаги мавқеи
7	Мерчендайзинг	F7	Товарларни тақдим этиш ҳолати, кўргазмалар, сотиш жараёнини ташкил этиш ҳолати ва ҳ.к.

¹⁵ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоблардан олинган натижалар асосида тузилган

Эксперт баҳолаш усули қуйидаги босқичларда амалга оширилади: экспертлар гуруҳини тузиш; танланган омиллар бўйича эксперт баҳолаш сўрови анкетасини шакллантириш; анкета натижаларини таҳлил қилиш; таҳлилий маълумотлар асосида истеъмолчилар хулқ-атворига таъсир этувчи омилларнинг муҳимлилик даражасини белгилаш; хулқ-атворга таъсир этувчи омилларни муҳимлилик даражасига кўра аниқлаш.

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчининг хулқ-атворини баҳолаш ўз ичига дори-дармон воситасини сотиб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтнинг тавсифи, нуфузли товар маркасини сотиб олишга қаратилган ҳаракатларни белгилаш, баҳолаш ва уларга кўрсатилган фармацевтика хизматидан ёки истеъмол қилинган дори-дармон воситасидан қониқиш ҳамда қониқмаганлик даражасини аниқлашни олади.

Мутахассис истеъмолчиларнинг фармацевтика маҳсулотларини сотиб олиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида фармакологлар фикри асосида истеъмолчиларнинг хулқ-атворига таъсир этадиган омилларни ҳисобга олиши керак. Библиографик тадқиқотлар натижаларига кўра, фармацевтика товарлари бозорида истеъмолчиларнинг хулқ-атворига таъсир кўрсатадиган омиллар 2-жадвал асосида тизимлаштирилди.

Истеъмолчилар хулқ-атворига таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятлилик даражаси бўйича экспертлар баҳоси натижаларига кўра, танланган омилларнинг аҳамиятлилик даражаси бўйича ранжирлашда Exell дастури асосида қуйидаги натижалар олинган (3-жадвал).

3-жадвал

Фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвор ўзгаришларига таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятлилик даражаси¹⁶

№	Омиллар	Белгилаш	Аҳамиятлилик даражаси
1	Маркетинг	F6	6,602
2	Фармацевтнинг маслаҳат бериш сифати	F2	5,402
3	Мерчендайзинг	F7	5,396
4	Ташқи муҳит омиллари	F1	4,403
5	Шахсий алоқа омиллари	F3	2,401
6	Харидорларнинг шахсий фазилатлари	F4	1,992
7	Фармацевтика маҳсулотларининг сифати	F5	1,804

Экспертларнинг фикри конкордация коэффиценти орқали аниқланади ва бу орқали уларнинг баҳолаш мувофиқлиги текширилади. Конкордация коэффиценти 0 ва 1 оралиғидаги қийматларни ҳосил қилиб, 0 ишончсиз ва 1 қиймат эса тўлиқ ишончли деган гипотеза асосида текширилади. Конкордация коэффиценти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W = \frac{12 * S}{n^2 * (m^2 - m)}$$

бу ерда,

S - четланишлар квадратларининг йиғиндиси;

n - экспертлар сони;

m - баҳоланган омиллар сони.

¹⁶ Муаллиф томонидан ҳисоб-китоблардан олинган натижалар асосида тузилган

Конкордация коэффициентининг 0,85 қийматни қабул қилиши фармацевтика товарлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвориға таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятлилик даражасини экспертлар баҳоси натижалари бўйича тўла ишонч билан қабул қилиш мумкинлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, дорихоналарда мерчендайзинг тадбирларини самарали йўлга қўйилиши ҳам истеъмолчиларни дорихоналардан харид қилиш ҳақидаги қарорларига кучли таъсир кўрсатади. Энг аҳамиятсиз омил сифатида фармацевтика маҳсулотларининг сифати ҳисобланиб, истеъмолчи дорихонада дори воситаларининг сифатиға деярли эътибор бермайди, уни дориларнинг таркиби, сифат сертификати қизиқтирмайди. Харидорларнинг шахсий фазилатлари омилларига ҳам истеъмолчиларнинг хулқ-атвор ўзгариши реакцияси паст эканлиги асосланди.

Тадқиқот натижалари асосида, фармацевтика маҳсулотлари бозорида истеъмолчилар хулқ-атвори ўзгаришларига энг юқори таъсир этувчи омил сифатида эксперт баҳолаш натижаларига кўра, маркетинг тадбирлари эканлиги аниқланди. Бу мавжуд дори-дармон воситаси таклиф қилинишиға истеъмолчиларнинг муносабатини ўрганишға қизиққан ва маркетинг тадбирларини аниқлаб олишға ҳаракат қилган фармацевтика корхонаси учун бозорда кенг самарали фаолият юритиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатади. Дорихоналар ва фармацевтика корхоналари истеъмолчиларнинг дори-дармон воситасининг хусусиятларидан ва нархидан қониқиш даражасини билиши кераклиги, шунингдек нархи ва сифати истеъмолчи онгида қай даражада қабул қилинганини таҳлил қилиши зарурлиги ҳам асосланган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларига талабни ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида, фармацевтика корхоналарида мижозларға йўналтирилган маркетингни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мижозлар билан муносабатларни бошқаришда рақамли маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган. Фармацевтика корхоналарида мижозлар билан муносабатлар маркетинги стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Дорихона тармоқларида истеъмолчилар билан мақсадли коммуникацияларни ўрнатиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича олиб борилган маркетинг тадқиқотлари натижалари фармацевтика бозорида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш имконини берди. Дорихоналар тармоғида самарали маркетинг сиёсатини ишлаб чиқишда фармацевтика корхоналари қуйидагиларни амалға ошириши лозим:

1) ассортиментни такомиллаштиришда янги ассортимент гуруҳларини киритиш, дорихона ассортиментида уйғунликка эришиш, ассортимент сиёсатининг рақобатбардошлигини баҳолаш;

2) тармоқ брендини тарғиб қилишда телевизион ва ташқи реклама, манзилли почта хабарлари, савдони кўпайтирадиган реклама акциялари, шунингдек айрим маҳсулотларға чегирмалар амалиётидан кенг фойдаланиш;

3) нарх сиёсатини истеъмолчилар даромадлари тузилмасига мослаштириш, бозор нархларининг ўзгаришига қараб сотиш динамикасини таҳлил қилиш, нарх тебраниши таваккалчиликларини пандемия шароитида талабни кескин ошишини ҳисобга олиб, савдо ҳажмини ошириш асосида камайтириш;


4) мижозларда содиқликни шакллантириш бўйича мақсадли, аккумулятив, бонусли ёки чегирмали дастурлар ишлаб чиқиш;

5) фармацевт-маслаҳатчиларнинг юқори даражадаги касбий тайёргарлигига эга бўлиш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш;

6) мерчендайзинг амалиётини харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги барқарор муносабатларни шакллантиришга ёрдам бера оладиган даражада шакллантириш;

